



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2001 йил 13 январь, шанба • №4 (11.289)

Эркин нархда сотилади

ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва уларнинг самарадорлигини оширишда Вазирлар Маҳкамаси Умумиқтисодий комплексининг масъулияти катта. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро ўзаро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 11 январь куни бўлиб ўтган йиғилишида асосий эътибор мазкур комплекс ишини аниқ мақсадларга йўналтириш ва самарадорлигини янада ошириш борасидаги чора-тадбирларга қаратилди.

Кенгаш йиғилишида Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида кейинги йилларда мамлакатимизда макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришилгани, халқ хўжалигида таркибий ўзгаришлар дастури ҳаётга самарали татбиқ этилаётгани, нефт-газ, тоғ-кон, озиқ-овқат, енгил саноат ва машинасозлик саноатида ишлаб чиқаришни янгилаш ва техник қайта жихозлаш тадбирлари амалга оширилаётганини таъкидлади. «Бир сўз билан айтганда, иқтисодиётимизни янада барқарор ва изчил ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва мустақкам пойдевор яратилмоқда», деди Ислом Каримов.

Айни пайтда Президентимиз умумиқтисодий комплексига кирувчи вазирлик, кўмита, концерн, компания

ва идоралар ўртасида ишни ташкил этишда ўзаро ҳам-жихатлик етишмаётганидан ташвиш билдирди. «Иқтисодиёт ривожини, унинг таркибига кирувчи барча соҳа ва ишлаб чиқариш тармоқлари, аввало, жамиятнинг пировард мақсад ва вазифаларига эришишга қаратилиши даркор», деди давлатимиз раҳбари. «Ҳар қандай тармоқ, ҳар қандай соҳа ўз натижалари билан мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга, халқимизнинг ҳаёт даражасини яхшилашга хизмат қилиши лозим».

Афсуски, идоралар кўпинча фақат ўз манфаатларинингига ўйлаб иш тутлади. Тарқоқлик кучли. Умумиқтисодий комплекси таркибига кирувчи вазирлик ва идо-

(Давоми 2-бетда).



Дўстободга борган одам албатта, «Гулмир-Дери» кўшма корхонасининг таърифини эшитади. Беш йилдан бери фаолият кўрсатаётган бу корхонада ўз ишининг усталари хизмат қилишмоқда. Одатда чарм ўзига катта эътибор берилишини, хусусан, устакор қўлларни талаб қилади. Аслида кўнчилик – эркаларнинг иши. Лекин кўшма корхонада шундай аёллар ҳам борки, уларнинг қўлидан чиққан маҳсулотлар харидорларни фақат мамнун этади. Муҳаббат Умарова ҳам бор меҳрини ўз касбига бағишлаганлардан. Унинг беозоргина ҳаракатланаётган қўлларига қарайсизу, шу нозиккина бармоқлар ҳатто ҳориждаги мутахассисларни ҳам мафтун этадиган маҳсулот тайёрлашига ишонмайсиз. Муҳаббат ва унинг дугоналари эса ана шундай мўъжизани яратаётганлардир.

Даврон АҲМАД олган сурат.



«ОНА ВА БОЛА» ДАСТУРИ

Мамлакатимизда 2001 йилнинг «Оналар ва болалар» йили, деб эълон қилиниши муносабати билан кенг қўламли тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Вилоят ҳокимининг шу йил 5 январдаги фармойиши билан вилоятимизда ҳам «Она ва бола» вилоят дастурини ишлаб чиқувчи вилоят комиссияси таркиби тасдиқланди.

Айни кунларда вилоят комиссияси ҳокимликнинг барча бўлим, бошқарма, корхона, жамоат ташкилотлари, жамғармалари, шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда «Она ва бола» вилоят дастурининг лойиҳасини тайёрлашни якунламоқда. Унда вилоятда бошланган оила манфаатларини рўйбга чиқарилишини таъминлаш, хотин-қизларни ҳимоя қилиш, «Соғлом авлод» дастурига мувофиқ амалга оширилаётган барча лойиҳалар ва

тадбирларни бундан буён ҳам давом эттириш ва охирига етказиш йўлидаги ҳаракатларни кўчатиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бу дастур вилоятимизда она ва бола соғлигини мустақкамлаш, болаларда юксак маънавий ва ахлоқий кадрларни шакллантириш, уларнинг жисмоний етук бўлиб камол топишини таъминлаш йўлида олиб борилаётган кенг қўламли тадбирларнинг узвий давоми бўлади.

ЎН КУНЛИК БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг Тошкент вилояти кенгаши шаҳар ва туманларда истиқомат қилаётган ногиронлар, кўп болали, кам таъминланган оилалар ва ёрдамга муҳтож кишиларни ижтимоий ҳимоя қилишда фаол иштирок этиб келмоқда.

Айни пайтда Қизил ярим ой жамиятининг вилоят кенгаши ишини янада жонлантириш ва ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Вилоят ҳокимининг шу йил 8 январдаги «Ўзбекистон Республикаси «Қизил ярим ой жамияти» Тошкент вилояти кенгашининг «Хайр-эҳсон, йиғиш ўн кунлиги»ни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2001 йилнинг 10-20 январь кунлари хайр-

эҳсон йиғиш ўн кунлиги деб эълон қилинди.

Ўн кунликдан тушган барча маблағ Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти вилоят бўлимининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказилди: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон акциядорлик уй-жой жамғарма банки меҳнат бўлими.

Х/р:
2021200900101740001
МФО 00423 ИНН
200896787.

ИШ РЕЖАСИ БЕЛГИЛАНДИ

Тошкент вилояти ҳокимлигининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунни амалга ошириш ва топонимик объектларга ном бериш комиссияси 2000 йилда фаол ишлади.

Комиссиянинг бўлиб ўтган йиғилишида мазкур муаммолар билан боғлиқ жуда кўплаб масалалар кўриб чиқилди ва ўз ечимини топди.

Комиссиянинг куни кеча бўлиб

ўтган навбатдаги йиғилишида 2000 йилда бажарилган ишлар якуни муҳокама этилиши билан биргаликда комиссиянинг 2001 йилги иш режаси ҳам кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси жамиятимизнинг ҳуқуқий асосидир. Шунинг учун ҳам Асосий Қонунимизни билмоқ, ўрганмоқ, унинг аҳамиятини тушуноқ ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Қолаверса, Конституция биз учун шунчалик мўътабар ва азиятчи, у ҳар жаб-ҳада бизга берилган катта ҳуқуқдир.

Шу нуқтаи назардан республикамиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши ғоят катта аҳамиятга эга. Ушбу фармойишнинг яна бир жиҳати шундаки, унда Ўзбекистон Конституциясининг жамиятимиздаги ўрни ва аҳамиятини, маъно ва моҳиятини ўрганишдаги асосий йўл-йўриқлар ва тавсиялар ўз ифодасини топди. Бу ишни ташкил этиши зарур бўлган вазирлик ва идораларга аниқ вазифалар юклатилди.

Тошкент Давлат Аграр университетиде бўлиб ўтган уч кунлик ўқув семинарида Фармойишнинг ҳар бир банди, унда ил-

ва тавсиялар чуқур муҳокама этилди. Университетнинг демократик жамият қуриш назарияси ва

ниш» курсини ташкил этиш ҳақидаги таклиф маъқулланди.

– Конституция – Асосий Қонун давлат рамзлари сингари муқаддасдир, – дейди Муҳаррам Раҳмонова, – уни билиш, мазмун-моҳиятини англаш мустақил давлатимизнинг ҳар бир фуқаро-

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗНИ БИЛМОҚ, ЎРГАНМОҚ ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗДИР

амалиёти кафедраси мудири Муҳаррам Раҳмонова, фалсафа ва ҳуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси Раъно Турдибоева ушбу масала юзасидан маъруза қилдилар. Уни муҳокама этишда ўқитувчилар, талабалар фаол иштирок этдилар. Семинарда университетда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрга-

си учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Биз шу кунгача ҳам Конституция тўғрисида кўп гапириб келдик, мақолалар ёздик. Лекин давр уни кенг омма онгига сингдириш учун янада чуқурроқ ва кенгроқ ёндошув зарурлигини кўрсатди. Конституцияни ўрганиш, айниқса, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини

Муносабат

тарбиялаш оддий иш эмас. Бунинг учун фармойишда таъкидланганидек, махсус дастур, курслар, методик қўлланмалар ишлаб чиқишимиз албатта, керак. Шуни мамнуният билан айтаманки, Тошкент Аграр университети ўқитувчилар жамоаси бу борада ўзининг таклифларини бера бошладилар. Бундан ташқари университетимизда Конституцияга бағишланган махсус тадбирлар ва курс ишлаб чиқмоқдамиз. Ниятимиз битта. Бизга мустақиллик неъматларининг ҳуқуқий асосларини яратиб берган ва амалда намоён қилаётган Асосий Қонунимиз ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир хонадоннинг ҳуқуқига, ҳимоячисига айлансин. Жамиятимиз равнақиға, халқимиз фаровонлиғига хизмат қилаверсин.

Файрат ШЕРАЛИЕВ,
ЎЗМУ талабаси.

ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

(Давоми.
Боши 1-бетда),

ралар ишида, иқтисодиётнинг ривожланиш стратегиясини аниқлашда муҳим омил бўлган умумий молиявий баланс, тўлов баланси, миллий ҳисобот тизими ва бошқа баланслардан етарлича фойдаланилмапти.

Ислом Каримов мазкур комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар, аввало, дунё иқтисодиёти тараққиёти механизмлари ҳамда йўналишларини пухта ўрганиб олишлари зарурлигига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Жаҳон иқтисодиётининг асоси эса эркин бозор муносабатлари, эркин рақобатдир. Президент айтмоқчи «бўш жойи йўқ дунё бозоридан» ўрин эгаллаш

мушкулдан мушкул иш экани ҳам тушунарли ҳол. Шу босидан дунё бозоридан Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос ўринни мустаҳкам эгаллаши ҳақида ўйлаш керак. Шундагина, иқтисодиётимиз том маънода юксалади.

Президент мамлакат иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга яна бир масалага эътибор қаратди. Яъники, корхоналарни, ишлаб чиқариш муассасаларини Ўзбекистон шароитига, унинг иқтисодиёти ва эҳтиёжига мослаш лозим. Афсуски, собиқ Шўро даврида мамлакатимиз ҳудудида бизнинг эҳтиёжимиз учун мутлақо зарур бўлмаган турли корхоналар қурилди. Улар юртимиз экологиясини ҳам, одамларимиз саломатлигини ҳам бузгани сир

эмас. Бундай корхоналар табиий равишда бугун инқирозга дучор бўлаётир.

Ислом Каримов бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти учун устувор бўлган йўналишларни яна бир қарра таъкидлаб ўтди. Макро-иқтисодий барқарорлик ва изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни изчиллик билан амалга ошириш, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш ва унда хусусий мулкнинг етакчи ўрин эгаллашини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни ва валюта бозорини босқичма-босқич эркинлаштириб бориш каби масалалар шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси халқимиз фаровонлигининг барқарор ўсишини таъминлашга хизмат қилади.

Кенгаш йиғилишида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В.Голишев, Бош вазир ўринбосари, Умумий иқтисодий комплекснинг раҳбари Р.Азимовнинг кун тартибидаги масалалар юзасидан ахбороти тингланди.

**Оксана ЗАДУНАЙСКАЯ,
Фарход АРЗИЕВ,
ЎзА мухбирлари.**

Вилоят ҳокимлигида

САНАЦИЯ - ИМТИЁЗ ЭМАС, ИМКОНИЯТ

ундан оқилона фойдаланиб, хўжаликни иқтисодий инқироздан қутқариш ва рентабелли хўжаликка айлантириш ташқи бошқарувчининг асосий вазифасидир

ҚИШЛОҚ хўжалик корхоналарини санациялаш масалалари бўйича вилоят комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимларининг биринчи ҳамда иқтисодий масалалар бўйича муовинлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бош-ликлари, хўжаликларнинг раҳбарлари, бош иқтисодчи ва бош ҳисобчилари иштирок этди.

Йиғилиш қатнашчилари вилоятдаги санация шароитида иш юритаётган хўжаликларнинг 2000 йилдаги фаолияти якунлари ва 2001 йилдаги асосий вазифалари масаласини муҳокама қилдилар.

Пскент туманидаги «Қирққизобод» ташқи бошқарув хўжалигини ҳисобга олмаганда санацияга тушган хўжаликлар ўтган мавсумни бирмунча яхши якунладилар. Фақат «Қирққизобод»га истисно тариқасида иқтисодий инқироздан чиқиш учун яна бир йил имконият берилмади.

Санациянинг муваффақиятли ўтиши, биринчи галда ташқи бошқарувчининг билими,

ташкilotчилик қобилияти ва жон куйдириб ишлашига боғлиқ эканлиги йиғилишда алоҳида таъкидланди. У эски усулни қўллаб, енгил йўлдан бориб, юқоридан имтиёз ва ёрдам сўраш ўрнига ички имкониятларни тўла ишга солиш чораларини кўриши лозим. Шу тартибда иш юритган Пскент туманидаги Дўстбеков номли ташқи бошқарув хўжалиги 2000 йилда, яъни санациянинг биринчи йилидаёқ 50 миллион сўм атрофида соф фойда билан чиқди.

Йиғилишда санация бўйича янги таркибдаги туман комиссияларини тузиш, санациядан чиққан хўжаликларни тезроқ ширкат хўжаликларига айлантириш, бизнес-режаларни ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш билан боғлиқ асосий вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Рустам Холматов иштирок этди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Олимпиада умидлари - 2001»

МУСОБАҚАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Республикамизда мустақиллигимизнинг ўн йиллиги муносабати билан ўтказилаётган умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари «Олимпиада умидлари-2001» спорт мусобақаларининг вилоят босқичи қизгин давом этмоқда.

Шуниси эътиборга лойиқки, бундай мусобақалар вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидаги мактабларда якунланди. Айни пайтда унинг иккинчи босқичига – туман ва шаҳарлар беллашувига тайёргарлик кўрилмоқда. Шу йилнинг март ойида эса учинчи босқич – вилоят мусобақалари бўлиб ўтади.

Вилоят, шаҳар, туман хо-

кимликлари, халқ таълими бошқармаси, жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, «Камолот» жамғармаси, «Олимпиада умидлари-2001» спорт мусобақаларини оммавий, байрамона ташкил этишга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Уйлаймизки, бу беллашувлар ўқувчилар орасида янги ёш спорт юлдузлари етишиб чиқишида катта рол ўйнайди.

АВТОТРАНСПОРТИНГИЗ СОЗМИ?

Ҳар куни кўчаларда ҳаракат қилаётган жамоат ва шахсий транспорт воситаларининг техник ҳижатдан соз бўлиши нафақат зарур, шарт ҳамдир.

Чунки гап уларнинг йўлларда беҳавотир ҳаракат қилишларини таъминлаш билан биргаликда фуқароларнинг ҳаёти тўғрисида ҳам бормоқда.

Шу муносабат билан Тошкент вилояти ҳокими шу йил 8 январда «Механик транспорт воситалари ва тиркамаларни давлат техник кўригидан ўтказиш тўғрисида» фармойиш қабул қилди. Фармойишга мувофиқ 2001 йилда давлат автомобил назорати томонидан корхоналар, муассаса ва ташкилот-

ларга қарашли механик транспорт воситалари ва тиркамаларни техник кўридан ўтказиш муддатлари 1 мартдан 30 июнгача, шахсий транспорт воситалари ва тиркамалар учун 1 январдан 31 августгача (йилда бир мартаба) белгиланди. Техник кўриқни белгиланган муддатларда сифатли ўтказиш юзасидан тегишли бўлим ва бошқармалар, корхоналар, муассаса, ташкилотларга, шаҳар, туман ҳокимликларига аниқ вазифалар кўйилди.

ВИЛОЯТДА ЯГОНА

«Дўстобод тажриба-механика заводи» акциядорлик жамияти жамоаси хизматидан мамлакатимиз пахтачилик саноатида кенг фойдаланилмоқда. Ишчилар шундай корхоналарда ишлаётган турли-туман машина-механизмлар, асбоб-ускуналар учун кўплаб эҳтиёт қисмлар тайёрлашади. Жамият аъзолари зиммаларидаги вазифанинг масъулиятини чуқур ҳис қилиб ишлаётганликлари учун топшириқларни ой сайин ортиғи билан бажармоқдалар. Ўтган йили буюртмачиларга 50 миллион сўмликдан кўпроқ эҳтиёт қисмлар етказиб берилиб, белгиланган режа анча ортиғи билан адо этилди. Корхона жамоаси янги йилнинг дастлабки кунларидан ҳам жадал суръатлар билан ишламоқда. Барча буюртмаларни вақтида ва сифатли тайёрлаб беришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг илғор пайвандчиси Илҳом Бахриддинов; жамият раиси Геннадий Ротштейн ва тоқар Геннадий Алексеенколар ҳозиргина ишлов берилган деталнинг сифатини кўздан кечиришяпти.

Дилшод АХМЕДОВ олган суратлар.



ЯНГИ ОШХОНАГА
МАРҲАМАТ

Паркент тумани марказида барча қулайликларга эга бўлган ёзда ҳам, қишда ҳам бирдек фаолият юритадиган шинам ошхона ишга туширилди. Моҳир ошпазлар тайёрлаган ўн беш-йигирма турдаги ширин таомлардан шаҳар аҳли ҳам, меҳмонлар ҳам мамнун бўлишмоқда.

Камолитдин АСҚАРОВ.

Очиқ турдаги «Тошкент почтаси» акционерлик жамияти 2001 йил 12 февраль соат 11.00да Вилоят ижтимоий таъминот бошқармасининг Мажлислар залида акционерларнинг навбатдан ташқари **УМУМИЙ МАЖЛИСINI** ўТКАЗАДИ.

КУН ТАРТИБИ:

1. Акционерлик жамиятини қайта тузиш (реорганизация)

2. Ҳар хил

Акционерларни рўйхатдан ўтказиш 2001 йил 12 февраль соат 9.00дан 10.30гача акционерлик жамиятининг биносида ўтказилади. Акционерларнинг рўйхатини тўхтатиш санаси 2001 йил 12 январь.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

14 январь — Ватан ҳимоячилари кўни

«ЭГАЛИ ЮРТ ЭРКИНИ БЕРМАС»

Мустақилликнинг дастлабки кунларида-ноқ ўзининг қудратли миллий армиясига эга бўлиш саъй-ҳаракатини бошлаган мамлакатимиз бугунга келиб бу эзгу ниятни ҳам тўла-тўқис рўёбга чиқара олди. Мухтарам Юртбошимиз

комил ишонч билан таъкидлаганларидек, эндиликда Ўзбекистонимиз ўзининг ҳар томонлама ҳарбий салоҳиятли қуроли кучларига эга бўлди.

Қуроли кучларимиз қисм ва бўлинмаларида виждонан хизмат қилаётган посбонлар

орасида вилоятимиз шаҳар ва туманларидан аскарликка чақирилган йигитлар кўпчиликини ташкил этади.

Улар хоҳ артиллериячилар, мотоўқчилар, учувчи-ю десантчилар, автомобилчилару ҳарбий қурувчилар қисмларида бўлсин ўз йи-

гитлик бурчларини шараф билан уддалаб, жонажон Ватанимиз ва вилоятимиз обрў эътиборини оширишда ҳурмат қозонмоқдалар.

Қуйида ана шундай аскар ва сардор йигитлар ҳақида ҳикоя қиламиз.

Тошкент вилояти ҳокимлиги хамда вилоят Маънавият ва маърифат Кенгашининг ташаббуси билан вилоятимизда 2000 йилнинг 25-декабридан 2001 йилнинг 14-январигача «Ватан ҳимоячилари кўни»га бағишлаб ўтказилаётган «Оммавий ватанпарварлик ойлиги» ғоятда кўтаринкилик билан якунланмоқда.

Вилоят шаҳар ва туманларида амалга оширилаётган тадбирлар дастурига кирган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг иккинчи чақириқ республика Олий Мажлисининг учинчи сессиясидаги «Эгали юрт эркини бермас» нутқи мазкур ойликнинг асосий шиорига айланди.

«Оммавий ватанпарварлик ойлиги»га бағишланган йиғилишларда ҳам, ўтаётган сиёсий ўқиш кунларида ҳам, Ўзбекистон тарихи ва Қуроли Кучларининг ҳаётини акс эттирувчи кўргазмали бурчаклар мавзуда ҳам, Юртбошимизнинг «Хушёрликка даъват», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» асарлари асосида ўтказилган давра суҳбатларида ҳам, янги асрнинг дастлабки йилини «Оналар ва болалар йили» деб атаб, янги йилни мунис оналаримиз ва истиқболимиз эгалари фарзанду аржумандларимиз тимсолида кўришимиз, буюк келажакни фақат соғлом ва баркамол авлодларгина бунёд эта олиши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, вилоят ҳудудида жойлашган ҳарбий бўлинмаларда «Мардлар қуриқлайди Ватани», «Куч — адолатда» каби мавзуларда суҳбатлар, маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий дастурлар амалга оширилди. «Ватанпарвар» ташкилотлари, вилоят халқ таълими, касб-хунар таълими бошқармалари, «Маҳалла», «Камолот», «Нуроний» жамғармалари томонидан ўтказилган учрашув давра суҳбатларида ёшларимизнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида муҳим восита бўлган буюк аجدодларимизнинг Ватан озодлиги йўлидаги қахрамонона курашларини акс эттирувчи маъруза ва суҳбатлар ўтказилди. Ёшларнинг бўш қолишларининг олдини олиш, уларнинг дам олишларини кўнгилли ўтказишни ташкил этиш мақсадида жойларда спорт ўйингоҳлари, кутубхоналар ва клубларда турли-туман қизиқарли тадбирлар ҳам ўтказилди.

ҚАСАМЁД

Республика Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техник билим юртида ҳарбий Қасамёд қилишнинг навбатдаги тантаналари давом этади. Унинг расмий қисмини кузатишдан кўра, Қасамёд қабул қилаётган ўғлонларнинг уларга ишонч, умид, ҳаяжон билан тикилиб турган яқинлари, қариндош-уруғлари, оналарининг фикрларини билиш кўпроқ қизиқтирарди. Зеро, бугун Ватанни ҳимоя қилиш асл мардлар ишига айланиб бораётганлиги ҳам рост.



Жанговар машгулотларга киришишдан аввал ҳарбий техниканинг мукамал ва соз бўлишига ҳар жиҳатдан катта аҳамият бериш амалий ва назарий машқларнинг пухта ўтиши учун замин яратади. Зеро, қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур, дейишади-ку.
СУРАТЛАРДА: амалий машгулотлар пайми. К. ТЎРАЕВ ва В. СУЧКОВ олган суратлар.



ЭЗГУЛИКНИНГ ИЛК МЕВАСИ

Баҳодир одатдагидан барвақтроқ хизматга отланди. Мулжалланган ишларини тезроқ тугатиб, командирларидан руҳсат сўрамоқчи эди-да. Ахир бугун унинг туғилган кўни. Кечга томон уйига уни табриклаш учун ёру биродарлари келишади. Бозор-ўчар дегандек...

Ҳарбий қисм томон борар экан, туғилган кўни билан боғлиқ ташвишлар ўрнини бошқаси эгаллади. Яъни кўл остидаги ёш аскарлар. «Кеча уйга қайтаётиб, кичик сержант Ихтиёр Қурбоновга «Ёш аскар Фулом Боймуродов билан дилдан суҳбатлашиб кўр, бир оз гамгинроқми-ей», деганди. Нима қилди экан? Оддий аскар Бахтиёр Жабборов анчадан бери уйига хат ёзмас экан. Бир оз кўнглини кўтардим. Топширикни бажардиммикин?! Бундайн ўй-хаёллар катта лейтенант Баҳодир Жўраевни таъқиб этишда давом этади.

Қуйичирчилик бу сардор биринчи бор ёш аскарлар взвод командири вазифасига тайинланди. Аммо катта лейтенант тажрибага эга бўлмаган ёш ас-

карлар билан ишлаш толиқтирганда, «нима қилардим бундай масъулиятли вазифани бўйнимга олиб?», дея ўз-ўзига савол берган пайтлар ҳам бўлди. Қилган ишларининг самарасини кўрганда эса бундай хаёллар ўз-ўзидан тарқалиб кетарди. Мана, яқинда кўмондонликдан вакиллар келишиб, ёш посбонлар ҳаёти билан танишишди, улар билан суҳбатлашишди. Шунқорлар Баҳодирни уялтириб қўйишмади. Утилган машгулотлардан муайян кўникмаларга эга бўлишганини кўрсатишди.

Катта лейтенант Б. Жўраев казармага кирганида навбатчиликни ўтаётган посбон Низомда кўрсатилганидек командирга рапорт берди. Аскарлар аллақачон эрталабки жисмоний машгулотларни бажаришга кетишган.

Баҳодир одатига кўра казармага бир-бир назар ташлаб чиқди. Унинг кўзи деворда осиглиқ қорозга тушди.

«Кичик командирлар ёш аскарларни тарбиялаш учун навбатдаги плакатни чиқаришгандир-да, деб ўйлади. Аммо «улар мендан берухсат бундай ишларга жазм этмасди-ку», деган ўй командирни хушёр тортирди. Яқинроқ бориб билдики, бу ёш аскарлар взводининг ўз сардорларига табриги экан. Бундан Баҳодирнинг кўнгли ёришиб кетди. Ахир у ёш аскарларга нафақат ҳарбий соҳа сир-синаотларидан, балки инсонийлик илмидан-да сабоқ бераётган эди-да.

Кўнглини нурафшон этган нарса ўзи сочган эзгулик уруғининг дастлабки меваси эди.

Отахоннинг нигоҳлари жиддий. Йигитлар ичида энг бақуввати, норғули унинг невараси эканлиги эҳтимолдан холи эмас.

— Амаки, неварангизни табриклагани келдингизми?

— Ҳа, болам. Бироқ кўзим хира тортиб қолганми, йигитларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди-я, уни тополмаяпман.

Маълум бўлишича, етмиш беш ёшли Обид ота Каримов истеъфодаги майор экан. Ўғли ҳам зобит, ҳозир эса курсантлик либосини кийиб, ҳарбий Қасамёд қилишга чоғланган набираси Санжар Каримовни табриклагани келган.

Сардор исмли яна бир набираси ҳам ҳадемай мазкур билим юртини тугатади. Хуллас, бу сулоланг бошида турган Обид ота фарзанди, набиралари унинг йўлини давом эттираётгани, шу озод ва мустақил Ватанга хизмат қилишга бел боғланганлари учун ҳам руҳан тетик, кўксини мағрур тутиб юрибди.

— Хў, ана, сафнинг учинчи қатори чапдан биринчиси дўстим Хуршид Садриддинов бўлади. Билим юртига иккаламиз бирга келувдик. Дўстимнинг билими, имкониятлари меникидан устун экан. Кейинги йили яна шу билим юртига киришга ҳаракат қиламан. Бугун эса дўстимни кутлагани келганман, — дейди Нодир Раҳимов.

Курсант ўғли Муҳаммад Ортикалиевнинг қувончли кўнига етиб келган ғазалкентлик Мунира опа Ортикалиева: «Ўғлим шу соҳани ўзи қизиқиб танлаган, илоҳим, юртига садоқатли ўғлон бўлиб хизмат қилсин», дея

дуога кўл очдилар.

Қибрайлик Одил Саидкаримов ёзда мазкур ҳарбий билим юртига такроран келади. Негаки, унинг ўғли Озод лейтенантлик унвонини олади. Ҳозир эса ўғли Алишер Президентига, халқига содиқ қолиш ҳақида қасамёд сўзларини бурро-бурро такрорламоқда.

Ҳозиргина Қасамёд қабул қилган Обид отанинг невараси курсант Санжар Каримов, шунингдек, курсант Дмитрий Проведниковлар дўстларини табриклаб, Ватаннинг муносиб ҳимоячилари бўлишга сўз бердилар.

Кўп ўтмай, ҳарбий Қасамёд қабул қилган курсантлар билим юрти бошлиғи генерал-майор Ш. Ниёзов, Ички ишлар вазирини ўринбосари, милиция полковниги Р. Қодиров, истеъфодаги генерал-майор Ф. Раҳимовлар ота-оналар, қариндош-уруғлар ҳамда фахрий кишиларнинг табриқларига кўмилиб кетишди.

АЛОҚАЧИЛАР САРДОРИ

сифатида Ватанга хизмат қилиб келмоқда.

Д. Фуломов ва унинг кўл остидагилар байрамларни кўпинча жанговар постда кутиб олишади. Ахир байрам кўнгилдагидек ўтиши учун ҳарбий алоқа узлуқсиз ва мунтазам ишлаб турмоғи лозим.

Юқорида почта жўнатмалари хусусида бежиз сўз юритмадик. Буни назорат қилиш ҳам бевосита қисм алоқа хизмати бошлиғининг вазифасига киради. Қолаверса, у алоқа бўйича ҳужжатлар ва унинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш, унинг шахсий таркиб томонидан бажарилишини назорат

қилишга ҳам масъулдир.

Майор Д. Фуломовнинг рафикаси Насиба ҳарбий шаҳарчадаги болалар боғчасида тарбиячи. Яъни болаларининг тарбияси билан кўпроқ она шуғулланади. Уларнинг оиласи аҳил бўлиши билан бирга, ҳарбий шаҳарчада энг серфарзанд ҳам. Улар икки ўғил, ики қизни тарбиялаб вояга етказишмоқда.

— Юртимизда мудом тинчлик бўлсин, Янги асрни «Оналар ва болалар йили» билан бошлаяпмиз. Доимо оналаримиз эъзозда бўлиб, фарзандларимизни буюк келажакнинг асл эгалари қилиб тарбиялайверишсин, — дейди Д. Фуломов.



СУРАТДА: майор Д. Фуломов оиласи даврасида. Капитан З. ТЎХТАЕВ олган сурат.

Саҳифа материалларини «Ватанпарвар» газетасининг мухбири, катта лейтенант Алижон САФАРОВ ва «Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири Шавкат ҚУЛИБОЕВЛАР тайёрлашди.

Dushanba

15

«Ўзбекистон» телеканалли

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 15 январь «Ўзбекистон»-I телеканал кўрсатувлари соат 15.00дан бошлаб кўрсатилади

15.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.

15.25 ТВ-1 намойиш этади.

15.40 Кундузги сеанс: «Довюррак Айвенго ҳақида қисса». Бадий фильм.

17.05 «Қишлоқ ҳаёти».

17.20 ТВ-клип.

17.30 Ойнаи жаҳон тақдироти: «Шарки ва Жорж». Мультсериал премьераси.

17.55 ТВ-маркет.

18.00 Янгиликлар.

18.10 Болалар учун. «Кувноклар даврасида».

18.25 ТВ-патруль.

18.35 Мусиқа бекати.

18.40 «Тафсилот».

18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 «Биржа ва банк хабарлари».

20.30 «Ахборот».

21.05 «Санъатим-саодатим». С. Назирова.

21.30 «Гиёҳвандлик - аср вабоси».

21.45 ЎзТВ хазинасидан: «Навоий». Видеофильм. 19-

20 қисмлар.

22.55 «Миллионлар ўйини». Спорт дастури.

23.10 «Ахборот».

23.45 Тунги сеанс: «Икки соҳил». Бадий фильм.

00.55-1.00 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканалли

14.25 Кўрсатувлар дастури.

14.30 «Сардор». Кўп қисмли бадий фильм. 5-қисм.

15.15 «Юрт посбони». Мусиқий дастур.

15.35 «Қалбим чечаги». Телесериал. 8-қисм.

16.25 «Жаҳон жуғрофияси»: «Фаройиб Аляска».

17.15 «Мусиқий лаҳзалар».

17.20 «Янги авлод» студияси: «Боланинг тили», «Мульттомо-

ша».

17.55 «Ватан мадҳи».

18.05 «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан».

18.25 «Остонадаги орзулар». Жаҳон чемпионлари ака-ука Абдумавлоновлар.

18.45 «Оқшом наволари».

18.55, 21.55 «Иқлим».

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.

19.35 «Қишлоқдаги тенгдошим».

19.55 «Муҳаббат қўшиқлари».

20.10 «Ёшлар овози».

20.30, 21.20, 22.30 Эълонлар

20.35 «Қалбим чечаги». Телесериал. 9-қисм.

21.25 «Бир ўлка-ки»

21.45 «Олтин мерос».

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.30 Тунги тароналар

ва Эколаш.

22.35 «Даллас». Теле-сериал.

23.20 «Давр». Ахборот дастури.

23.35 «Ёшлар» телеканаллида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.

1.05-1.10 «Хайрли тун».

«Тошкент» телеканалли

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида)

18.25 ТТВда сериал: «Жив в Вустер». 10-қисм.

19.10 «Экспресс» телегазетаси.

19.20 «Эҳтиром ила».

20.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.

20.25 «Табриқлаймиз, кутлаймиз».

20.55 «Омад» тележурнали.

21.15 ТТВда сериал: «Машхур ва бадавлат одамлар».

22.00 «Осойишталик фидойилари».

22.10 «Экспресс» телегазетаси.

22.20 «Спорт-тайм».

22.40 Оҳанглар ва эълонлар.

«Халқаро» телеканал

22.45 «Кинонигоҳ». «Ноттинг Хилл». 1-қисм.

23.45-23.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ

16.00 Кўрсатувлар тартиби.

16.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

16.15 «Мультчархпалак».

16.30 «Россия юлдузлари» иштирокидаги

концерт дастури.

17.05 «Афсунгар». Сериал.

17.55 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.

18.05 «Контакт».

18.20 CFI тақдим этади: «Байрамлар юрти».

18.45 «Мени кутгил».

19.45 «Скарлетт». Сериал.

20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»

21.00 «Время».

21.40 «Бизнес-ревью».

22.00 «Муҳаббат тарихи». Сериал.

22.45 «ТВ-4 да Немис тўлкини».

23.00 Кинематограф. «Амазонка». Сериал.

00.15 «Ахборот» (рус тилида)

00.40 «Тунингиз осуда бўлсин».

Seshanba

16

«Ўзбекистон» телеканалли

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ-маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

8.55 «Ватандин яхши ёр ўлмас». Адабий-мусиқий композиция.

9.15 «Ўзбектефильм» намойиши: «Хонобод», «Бухоро».

9.40, 12.40 ТВ-метео.

9.45 «Миллионлар ўйини». Спорт дастури.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар

10.05 Алифбо сабоқлари.

10.25 «Туш ўнгидан келди ёки чемодан». Бадий фильм.

11.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».

12.05 «Маънавият» дастури.

12.45 «Машриқ

оҳанглари».

13.15 ТВ 1 театри: «Лаура учун қадаҳ». Теленовелла.

13.50 ТВ-анонс.

14.10 Футбол. XX асрнинг сўнгги жаҳон чемпионати. 3-ўрин учун ўйин. Голландия-Хорватия.

15.40 «Сени излаб». Қисқа метражли бадий фильм.

16.15 «Наво таралсин». Концерт.

16.35 «Бешбармоқ». Тележурнал.

16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».

18.10 «Таълим-тарбия миллий дастури - амалда».

18.20 «Куйла, ёшлигим».

18.40 «Саодат калити».

19.00 ТВ-клип.

19.10 «Фермер».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус

тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (Инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 «Навоийхонлик».

21.20 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.

21.45 «Сиёсат ва одамлар».

22.00 «Келин-куёв». Телешоу.

23.00 «Ахборот».

23.35 Саргузашт фильмлар экрани: «Шайтон малайлари». 1-қисм.

00.55-1.00 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканалли

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Боланинг тили», «Мульттомоша».

9.50 «Аср қиёфаси».

10.10 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 10-

қисм.

10.35, 16.30 «Мусиқий лаҳзалар».

10.45 «Даллас». Теле-сериал.

11.30 «Ёшлар овози».

11.50 «Ёшлар» телеканаллида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.

13.20 Севги нидоси. Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.

15.25 «Автосалтанат».

15.40 «Қалбим чечаги». Телесериал. 9-қисм.

16.40 «Яна ўша Насриддин». Бадий фильм. 1-қисм.

17.30 Кўрсатувлар дастури.

17.35 «Янги авлод» студияси: «Болалар учун концерт», «Мульттомоша».

18.10 «Таянч».

18.25 «Минг бир маслаҳат».

18.45 «Оқшом наволари».

18.55, 21.55 «Иқлим».

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.

19.35, 19.55 «Мусиқий лаҳзалар».

19.40 «Давр»-интервью.

20.00 «Ёшлар овози».

20.20, 21.10, 22.30 Эълонлар

20.25 «Қалбим чечаги». Телесериал. 10-қисм.

21.15 «НИҲОЛ» муқофоти совриндорлари куйлайди.

21.30 «Марду-майдон».

21.50 «Олтин мерос».

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.

22.35 «Даллас». Теле-сериал.

23.20 «Давр». Ахборот дастури.

23.35 «Ёшлар» телеканаллида спорт: Теннис. 0.25-0.30 «Хайрли тун».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида)

18.25 ТТВда сериал: «Жив в Вустер». 11-

қисм.

19.10 «Экспресс» телегазетаси.

19.20 «Эҳтиром ила».

20.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.

20.25 «Табриқлаймиз, кутлаймиз».

20.55 «Омад» тележурнали.

21.15 ТТВда сериал: «Машхур ва бадавлат одамлар» (яқунловчи)

22.00 «Туризм ҳақида».

22.30 «Экспресс» телегазетаси.

22.40 «Мусиқий меҳмонхона».

23.00 Оҳанглар ва эълонлар.

23.05 «Кинонигоҳ», «Ноттинг Хилл». 2-қисм.

24.00-00.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ

16.00 Кўрсатувлар тартиби.

16.05

«Мультчархпалак».

16.25 «Клип-антракт».

16.30 «Вести».

17.00 «Афсунгар». Сериал.

17.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.

18.00 «Жонли сайёра».

18.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.

18.45 «Хум ва ўра». Қисқа метражли бадий фильм.

19.40 «Скарлетт». Сериал.

20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»

21.00 «Время».

21.50 «Бизнес-ревью».

21.55 «Муҳаббат тарихи». Сериал.

22.35 «Клип-антракт».

22.45 Кинематограф. «Найранг». Бадий фильм.

00.45 «Ахборот» (рус тилида)

1.10 «Тунингиз осуда бўлсин».

Chorshanba

17

«Ўзбекистон» телеканалли

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ-маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

8.55 Кино янгиликлари.

9.10 «Опера санъати: изланишлар йўлида».

9.40, 12.20 ТВ-метео.

9.45 «Ранглар жилоси».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар

10.05 «Камолот сари».

10.25 «Келдию, кетди». Бадий фильм.

11.55 ТВ-клип.

12.05 «Яккама-якка жанг». Бокс.

12.25 М. Юсуф. «Чеча». Аброр Хидоятлов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.

14.10 «Ўйла, Изла, Топ». Телемусобақа.

14.45 ТВ-клип.

14.55 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.

15.20 Кундузги сеанс. «Алвон елканлар». Бадий фильм.

16.45 ТВ-анонс.

16.55 «Кўшиқ - маънавият кўзгуси».

17.25 ТВ-интернет.

17.30 Ойнаи жаҳон тақдироти: «Шарки ва Жорж». Мультсериал премьераси.

18.10 «Зулфияхоним кизлари».

18.30 «Иқтисод ва биз».

18.40 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий дастур.

19.05 «Инсон ва қонун».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.35 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 «Юзма-юз».

20.30 «Ахборот».

21.05 «Санъатга

бахшида умр». Э.Лутфуллаев.

21.40 «Шарқдан нур». Бадий-публицистик кўрсатув.

«Тунги ҳамроҳ»:

22.00 «Сени шарафлайман озодлик».

22.10 «Энг гуллаган ёшлик чоғимда».

22.30 «Олам». Телеальманах.

23.00 «Ахборот».

23.35 Саргузашт фильмлар экрани: «Шайтон малайлари жинлар тегирмонида». Бадий фильм. 2-қисм.

1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканалли

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Болалар учун концерт», «Мульттомоша».

9.50, 10.40, 12.15 «Мусиқий лаҳзалар».

10.00 «Давр»-интервью.

10.15 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 11-қисм.

10.50 «Кинотақдим».

11.10 «Даллас». Теле-сериал.

11.55 «Ёшлар овози».

12.25 «Минг бир маслаҳат».

12.45 Болалар экрани. «Шоҳ Султон ҳақида эртақ».

13.35 «Ёшлар ва маънавият».

13.50 «Олтин мерос».

13.55 «Таянч».

14.10 «Вилоят ёш хонандалари куйлайди».

14.30 «Қалбим чечаги». Телесериал. 10-қисм.

15.15 «Мени тушун» Телеўйини.

15.40 «Синфдош».

16.00 «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан».

16.20 «Остонадаги орзулар».

16.40 «Яна ўша Насриддин». Бадий фильм. 2-қисм.

17.30 Кўрсатувлар дастури.

17.35 «Янги авлод» студияси: «Кувнок учрашув», «Мульттомоша».

18.10 «Муҳаббат қўшиқлари».

18.25 «Сийрат».

18.45 «Оқшом

наволари».

18.55, 21.55 «Иқлим».

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.

19.35 «Ёшлар овози».

19.55, 20.55, 22.30 Эълонлар

20.00 «Спорт-лото».

20.10 «ТВ-ошхона».

20.25 «Мусиқий лаҳзалар».

20.35 «Ракурс».

21.00 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Суперполициячи», «Жосулар - бизнинг ўзимиз».

21.50 «Олтин мерос».

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.30 «Каталог».

22.40 Тунги тароналар ва Эколаш.

22.45 «Даллас». Телесериал.

23.30 «Давр». Ахборот дастури.

23.45 «Ёшлар» телеканаллида спорт: Интерфутбол.

1.15-1.20 «Хайрли тун».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 «Пойтахт».

Ахборот дастури (рус тилида)

18.25 ТТВда сериал: «Жив в Вустер». 12-қисм.

19.10 «Экспресс» телегазетаси.

19.20 «Эҳтиром ила».

20.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.

20.25 «Табриқлаймиз, кутлаймиз».

20.55 «Омад» тележурнали.

21.15 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

22.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

22.20 «Мисли гавҳар».

22.35 «Экспресс» телегазетаси.

22.45 Оҳанглар ва эълонлар.

22.50 «Кинонигоҳ». «Ўн учинчи қаллиқ». 1-қисм.

23.50-23.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ

16.00 Кўрсатувлар тартиби.

16.05 FCN «Ўзбекистон

янгиликлари» (инглиз тилида)

16.15 «Мультчархпалак».

16.30 «Вести».

17.00 «Афсунгар». Сериал.

17.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.

18.00 «Интернет худуди».

18.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.

18.50 «X-Спорт».

19.00 «Инсон ва қонун».

19.45 «Скарлетт». Сериал.

20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»

21.00 «Время».

21.50 «Бизнес-ревью».

22.10 «Муҳаббат тарихи». Сериал.

23.00 «СНН-шоу».

23.15 Кинематограф. «Изсиз кетган». Бадий фильм.

00.45 «Ахборот» (рус тилида)

1.10 «Тунингиз осуда бўлсин».

Pavshanba

18

«Ўзбекистон» телеканалли

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ-маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

8.55 «Ўзбектефильм» намойиши: «Кушлар».

9.10, 12.30 ТВ-метео.

9.15 «Доира зарби». Мусиқий дастур.

9.40 «Аёл дунёни тебратар». Бадий-публицистик кўрсатув.

9.55 ТВ-клип.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар

10.05 «Инсон ва

замин».

10.20 «Бировнинг хати». Бадий фильм.

11.50 ТВ-анонс.

12.05 «Ўзлинг намоен қил». Экранда - Андижон вилояти.

12.35 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.

12.55 Халқ хофизлари куйлайди.

13.25 «Изтироб». Теленовелла.

14.10 ТВ-анонс.

14.20 Болалар учун. «Санъат гунчалари».

14.40 «Бильярд-клуб».

15.00 Экранда - кинокомедия: «Бузоқ йили».

16.15 «Мен билган, билмаган дунё».

16.35 «Қалба яқин қўшиқлар». Мусиқий дастур.

17.00 Ойнаи жаҳон тақдироти: «Шарки ва Жорж». Мультсериал премьераси.

17.25 ТВ-интернет.

17.30 «Харита». Халқаро шарҳ.

17.45 «Шеър ва шуур».

18.10 Болалар учун. «Кўзумчоқ».

18.30 «Баркамол авлод орзуси».

18.50 Олтин мерос.

19.00 «Хидоят сари».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (Инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 «Миллий манфат».

21.35 «Оталар чойхонаси».

22.35 «Киёфа».

23.00 «Ахборот».

23.35 Тунги сеанс: «Панагеянинг ўғирлашиши». Бадий фильм.

1.05-1.10 Ватан тимсоллари.

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Кувнок учрашув», «Мульттомоша».

9.50, 11.05 «Мусиқий лаҳзалар».

10.00 «Сийрат».

10.20 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 12-қисм.

10.45 «Ёшлар овози».

11.15 «Даллас». Телесериал.

12.00 «Бу мунис

Table with 6 columns containing TV program schedules for various channels like 'Ташкент телеканаллари', 'Халқаро телеканал', and 'ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ'.

Table for 'JUMA 19' with 6 columns, listing TV programs for Friday, January 19th, including 'Ўзбекистон телеканаллари' and 'Халқаро телеканал'.

Table for 'SHANBA 20' with 6 columns, listing TV programs for Saturday, January 20th, including 'Ўзбекистон телеканаллари' and 'Халқаро телеканал'.

Table for 'YAKSHANBA 21' with 6 columns, listing TV programs for Sunday, January 21st, including 'Ўзбекистон телеканаллари' and 'Халқаро телеканал'.

Танишим аччиқ чойни босиб-босиб ичарди. «Нима бўлди, тинчликми? — сўрадим ундан. — Аччиқ чой юракни ишдан чиқаради-ку». «Э, куя-куя, юрак адои тамом бўлди. Аччиқ чой ҳам босолмаяпти, — деди у ух тортиб, — кечагина юрган ёш бир бола бугун менга раҳбар бўлиб ўтирибди. Неча марта хўжжатаримни танловга топширдим. Бир баҳона билан ҳар гал танловдан қайтаришади. Бу бўлса, биринчи турдаёқ ўтиб кетди. Неча йилдан бери идорада умид билан ишлардим. Бошлиққа муовин бўлсам, дердим. Топганимни шу йўлга сарфлардим. Энди бўлса укам тенги болага куллуқ қиламанми? Менга қара, бир ёзмаймизми? Иккаламизнинг номимиздан. Бир аламдан чиқардим».

Ҳасад ўтида қовурилаётган танишимни ўша куни қайтадан кашф этдим. Унинг дилидаги қорақуяси юзага чиққан эди. Уни шу кўйга солган «укаси тенги бола»ни яхши танийман. Билим бобида, ташкилотчиликда унга етадигани йўқ. Танишим мўлжаллаган жойга аслида ўша бола эмас, балки, эллиқдан ошган одам тайинланиши керак эди. Лекин ўша одам: «бу жой аслида Беҳзодники, мен бу лавозимнинг аравагини қойил қилиб тортаолмайман, удаломайман», деб бўшатди. Ана, очик кўнгиллик. Танишим бўлса...

Ўша учрашувдан кейин қачондир кўрганим бир фильмни эсладим. Ундаги воқеалар таҳминан шундай кечарди. Томоша барбод бўлди. Саҳнада комедия ўйналяпти-ю, аммо ҳеч ким кулмайди. Лекин, репортёрларга қўл келадди бу. Улар машҳур драматургнинг қалами бўшашиб, бўлмағур нарса ёзибди деб газеталарда айюҳаннос солишади. Комедияни ёзган машҳур драматург уйига келади. Столи устидаги чиройли муқоваланган асарни ўқий бошлади. Бу унинг шогирди ёзган комедия эди. Ҳатто ушбу саҳна асарини устозига бағишлаган ҳам эди. Драматург уни бир неча бор ўқийди. Ажойиб! Юрагида ҳасаднинг қора кучлари бош кўтарди. Бу пьеса ҳақида устоз-шогирду, Худодан бошқа ҳеч ким билмасди. Машҳур драматург уни ўзлаштиришни ўйлайди. Шу ният билан шогирдини шаҳар чеккасидаги чорбоғига чақиради. Уни ўлдиришни режалаштиради...

Адашмасам ўша фильм «Тузоқ» деб аталарди. Жуда кўпдан-кўп кўз кўриб, кулоқ эшитмаган воқеалар ҳасаднинг қора тузоғига тушганлар томонидан амалга оширилганига ҳеч эътибор берганмисиз?

Ҳасад деб номланган бу қора кулфат, бу туйғу ҳаётимизга қаердан кириб келди? Ривоятларда айтилишича, қадим-қадим замонларда худолар Олимп тоғидан одамлар олди-га тушиб турадиган дорилломон дамларда, Юнонистонда Пандора деган соҳибжамол яшаган экан. Ҳар бир аёл сингари у ҳам жуда қизиқувчан экан. Бир куни шу соҳибжамолга худолар бир кути берибдилар: «Сенга ишондик, эй гўзал, шу

ни тирилтиришни ўйлаган эдик, ҳозир тиббиётимиз ҳатто шунга ҳам қодир бўлиб бораёпти. Бундай мисоллар айтаверсак, жуда кўп. Лекин, бир нарса ҳам очик-ойдиндир: ҳасад туйғуси ҳар бир одамга хос. Уй бекаси, ўзидан кўра уйини озода тутадиган, ширин-шакар таомлар пиширадиган кўшни аёлга бошқача назар билан қарайди; ўзидан кўра дуторни эшиб чаладиган ҳамкасбини кўрганда, созанданинг дили чўқади, ҳосили мўл пайкаллар яратган деҳқонни кўрганда, нўнокрофининг ичи куюди. Узини кўлга олабилган, дилидаги суронларни жиловлаган кимсаларгина ҳасаднинг кули бўлмайди. Аксинча, янги парвозлар сари уни йўнал-

беш йил олдин бир воқеани эшитгандим. Ўшанда нафосат, гўзаллик танловлари энди-энди расм бўлаётган эди. Уй тутишда, саранжом-саристаликда, пазандалигу чеварликда, латофатда баҳс-лашган қизлар орасидан бири — (унинг исми Гулчаман бўла қолсин) якуний босқичга чиқади. У энди ўзи каби голибалар билан курашиши керак. Навбати келганда, саҳнага чиқади-ю, лекин ўзини кўрсатолмайди. Юролмай, оксоқланиб, охири ўтириб қолади. Кейин маълум бўлишича, унинг туфлисига рақибларидан бири шиша синиқларини ташлаб қўйган экан...

Айримлар ҳасаднинг тамал тоши адолатнинг бузилишида, деб ҳисоблашади. Адолат ҳақида эса, ҳамманинг ўз тушунчаси, ахлоқий қарашлари мавжуд. Бир қараш ҳеч қачон иккинчисига тўғри келмаган.

Йилларга қараб, ҳасадлар ҳам ўзгариб туради чоғи. Бир пайтлар қудратли жангчилар олқишланган, энг яхши мукофот уларга бўлган, улар юртини сақлаган. Биров уларга ҳавас, биров сўнгсиз ҳасад билан қараган. Давр ўтиб, тинч меҳнат орқали маҳсулот яратиш давлатнинг қудратини белгиллаган. Ўшанда хунармандлар, савдогарлар, деҳқонларнинг ошиги олчи бўлган. Буни қарангки, бизнинг асримизда олибсатарлик билан бири ўнга пуллаб, пуллари банкларда «болала-таётган янги пулдорлар»га ҳасад кўзи билан қараш одатга айланди. Савод, маърифат улашаётган, соғлиққа посбон бўлаётган, табиат сирларини очётган заҳматкашларга ҳасад қилиб эмас, кулиб қаровчилар кўпаймоқда. Буюк немис адиби Гёте: «Алдоқчи бўлманг, алданганлар нодон ва ёввойи бўлиб қоладилар, ҳалол бўлинг, ёввойилар ҳам сизга эргашиб инсоний йўл тутадилар», деб ёзган эди.

Ҳасадни йўқ қилмоқчи бўлсак, дастлаб инсондаги ахлоқий илдизларни камол топтиришимиз, шу руҳда тарбиялашимиз керак. Мана шундагина ҳасаднинг қора тузоқлари барбод бўлади. У ҳавас деб аталадиган чинакам ҳазинага айланади. Қадимги Рим файласуфларидан бири: «Агар қора ҳасад бўлмаганида, Троя вайрон бўлмас эди», деган экан. Бизнинг дилимиз бу иллатдан қанчалар холи бўлса, шунчалар яхши.

Темур УБАЙДУЛЛО.

ҲАСАДНИНГ ҚОРА ТУЗОҒИ

кутини биз талаб қилганимизгача сақлайсан. Аммо, эҳтиёт қил. Сира-сира қопқоғини оча кўрма». Пандора хўп дебди-ю, лекин борган сари қизиқиши ортаверибди: ичида нима бор экан? Ётса ҳам, турса ҳам шуни ўйлайверибди. Охири кутининг қопқоғини очибди. Шу заҳотиёқ унинг ичида қамалиб ётган балою қазолар: уруш, игво, турли касалликлар, қаҳр-газаб, ҳасад учиб чиқиб, оламга тарқалиб кетибди. Пандора нима иш қилиб қўйганини тушунганида, улар одамлар юрагига жойлашиб улгурган эканлар...

Мабодо таъриф берадиган бўлсак, ҳасад ўзгаларнинг тўкин-сочинлиги, ютуқлари устунлигидан ўртаниш, газабга тўлиш, оромини йўқотишдир. Ҳасад ҳамиша бирёқлама кўри-нишда бўлиб, ёмонликни ифода этадими? Унинг антоними йўқми? Кўз олдингизга келтиринг: кушларга таассуб қилиб, инсон кўкка парвоз қилди. Ўзининг интилиши билан эртақлардаги енгилмас қаҳрамонлар сингари кучга тўлди. Ўзиюрар этиклар ҳақида орзу қилиб, эртақлар тўқиган одамлар бугун самолётларда олис масофаларга бир зумда етиб бораёпти. Ҳаёт суви билан ўликлар-

тиради. Ўзидан ўзган кимсалардан ўрганади, гайрат камарини маҳкам боғлайди, ҳасадни ҳавасга бўйсундиради.

Чиндан ҳам биров мақтовга сазовор ишларни амалга ошириб, тилларда достон бўлса: «у бунга қандай эришибди», деб эмас, «мен нега шундай қилолмайман», деб ўйласак, дилимизда таърифсиз бир иштиёқ уйғониб, ишга шўнғисак, мақсадимизга эришиб, тахсинлар олсак қандай яхши! Бундай интилишлар ижобий ҳасаднинг мевасидир. Бу эса унчамунча одамнинг қўлидан келмайди. Ҳасаднинг заҳарли уруғлари биринчи галда инсоннинг ўз дилини яралайди, иродасини фалаж қилиб қўяди. Шу тариқа вужуддаги ижодий руҳ сўнади, охир-оқибатда ҳар бир омадли инсонга душманлик назари билан қарайдиган бўлади. Аксинча, ижобий ҳасад, яъни интилиш, киши қалбидаги куч-қудратни уйғотиб, юзага чиқаради, ўз кучига бўлган ишончни мустаҳкамлайди. Ижобий ҳасад туғдирган иштиёқ қанчадан-қанча кашфиётларни, даҳоларни юзага чиқармаган дейсиз.

Очик, яккама-якка курашда рақибдан ожизлигини сезиш кишини қанчалар ҳасадгўй қилиб қўяди. ... Бундан тўрт-

ҲАМИША КУЛИБ ЮРИНГ



Муқаддас опа Нурмухаммедовани матбуотчилар уйидаги ижодкорлар ёхуд «Шарк» нашриёт-матбаа акционерлик компаниясидаги ходимлар орасида танимайдиган, билмайдиганлари бўлмаса керак. Сабаби, ҳаётда ҳам аниқ ҳисоб-китобни, тўғрилиқни севувчи бир неча йиллар ҳисобчи бўлиб, турли ташкилотларда меҳнат қилган Муқаддас опа қарийб 23 йилдирки «Шарк» нашриёт-матбаа акционерлик компаниясининг ҳисоб-китоб бўлимида меҳнат қилиб келмоқдалар.

Қачон борманг, доимо маошингиз ёки қалам ҳақингиз ўз вақтида нақд. Бу Муқаддас опанинг ўз меҳнати ва касбига муҳаббати самарасидир.

Оилада ҳам икки ўғилнинг суюкли онажониси, икки келиннинг меҳрибон қайнонаси ва тўрт набиранинг куюнчак буви-жонисидирлар.

— Мен, — дейди Муқаддас опа, — оддий ишчилар оиласида туғилиб, шу муҳитда тарбия топганман. Шунинг учун ҳам ҳаётда самимийликни, меҳрибонликни, соддаликни, ҳалолликни яхши кўраман ва қадрлайман. Бировнинг ҳақига ҳиёнат қилганларни бир умр кечиролмайман. Одамлар менга раҳмат айтсалар, меҳнатимнинг юқори баҳоси шу деб биламан.

Биз ижодкорлар ҳам Муқаддас опанинг қутлуғ ёшлари билан чин қалбдан муборакбод этамиз ва ҳар доим шундай суюкли инсон бўлиб юришларини тилаб қоламиз.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ.
СУРАТДА: Муқаддас Нурмухаммедова.

Дилшод АҲМЕДОВ олган сурат.

КЕЛИН-КУЁВГА ҲАЗИЛНАМО ТЕСТ

Қарорингиз қатъий бўлди. Лекин «Тўйлар муборак» айтилгунча яна бир яхшилаб ўйлаб кўринг. Эҳтирос ўз йўлига, турмуш ўз йўлига. Турмуш турли иқир-чиқирлардан иборатлигини биласиз. Қани, бир ўйлаб кўринг:

- ◆ Қаерда яшашни хоҳлайсиз?
- ◆ Хўжалик юртишни келин-куёвдан қайси бири ўз зиммасига олади? Бола боқишни-чи? Мол-ҳолларга қарашни-чи?
- ◆ Пулингизни нималарга сарфлайсиз? Бўш вақтингиз қандай ўтказасиз? Меҳнат таътилини-чи?
- ◆ Эр-хотиндан қайси бири меҳмон кутади? Яна ҳам аниқроғи, ижтимоий масалаларга ким жавоб беради? Икковингизми, ёки биттангиз?

- ◆ Еди-ичди муаммосини қандай ҳал қиласиз? Бирга уйкуга ётасизларми, ёки ҳар ким хоҳлаган вақтида, хоҳлаганча ухлайверадими?
 - ◆ Ва ниҳоят: уйда йиғилган чиқиндиларни ким олиб чиқиб ташлайди?
- Булардан ташқари эр ва хотиннинг ўзига хос одатлари бўлади. Уларнинг ҳаммасига жавоб топинг. Мабодо ўйлаганларингизни тўғри деб билсангиз, унда марҳамат, никоҳ шартномасига имзо чекаверинг. Қўша қаринглр.

Оила

Бирга қўша қаришни орзу қилмаган келин-куёвлар бўлмаса керак. Мабодо турмуш билан боғлиқ анъаналаримизни яна бир бор хотирага олсак, оилавий шодиёналар биттага

- ЧИТ ТҶЙ** — турмуш курганингизни бир йиллигида ўтказилади.
- ЁҒОЧ ТҶЙ** — беш йилликда нишонланади. Бунда бир-бирингизга ёғочдан ишланган совғалар берсангиз соз бўлади.
- ГУЛ ТҶЙ** — ўн йил бирга яшаганингиздан нишона. Бунда кучоғингиз, уйингиз гулга тўлиб кетиши шубҳасиз.
- ОЙНА ТҶЙ** — ўн беш йиллик эр-хотиннинг қувончлари чексиз бўлади деб ўйлаймиз.
- ЧИННИ ТҶЙ** — йигирма йиллик бирга умргузаронликнинг

УМРНИНГ ТОТЛИ ЛАҲЗАЛАРИ

кўпаяди. Ҳаёт доволаридан бирга-бирга ўтиб келганлар бу шодиёналарни жуда қадрлайдилар. Қандай шодиёналар деб ўйлайсизми? Марҳамат:

- қувонч лаҳзаси. Дастурхонга чинни идишлар билан оро берсангиз, қандай яхши!
- КУМУШ ТҶЙ** — бу чорак асрнинг якунидир.
- ЖАВОҲИР ТҶЙ** — ўттиз йилда нишонланади. Турмуш ўртоғингизга жавахирлардан совға қила олсангиз қани эди.
- ЁКУТ ТҶЙ** — қирқ йиллик ҳаётнинг шукронаси бўлади.
- ОЛТИН ТҶЙ** — ярим асрда бир бўладиган қутлуғ маросим. Шу куни бир-бирингизга янги тилла узук тақсангиз муддао.
- ОЛМОС ТҶЙ** — олтмиш йиллик

бирга яшаганингиздан кейин табриқлар ҳам мўл бўлади.

ТЕМИР ТҶЙ — олтмиш беш йил иссиқ-совуқ, яхши-ёмон кунларни бирга кўриб, етиб келасиз.

ТОЖ ТҶЙ — етмиш беш йил бирга яшаш, қариб-чурриш ҳаммамизга насиб этсин.

Оила — бу ҳаётнинг инъомидир. Уни ибратли қилиш ўз қўлингизда. Шуни доимо ёдингизда сақланг.

Матлуба
МАҲМУДХҶАЕВА
тайёрлади.

Санъат

**ҚАДР-ҚИММАТ
ТАРАННУМИ**

Куни кеча Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикий театрида Х. Хурсандов асари асосида тайёрланган «Ўлдинг - азиз бўлдинг» комедиясининг премьераси бўлиб ўтди.

Томоша ҳаётий воқеалар асосида ёзилган бўлиб, унда ота-оналарнинг қадру қиммати, фарзандларнинг улар олдидаги муқаддас бурчлари ҳам қулгили, ҳам кишини ўйга толдирадиган сахналар асосида очиб берилди. Фарзандлари меҳридан дариг бўлиб қолган отанинг қисматига томошабинлар бепарқ қаролмайдилар. Баҳодир Назаров сахналаштирган ушбу сахна асарига таникли бастакор Фарход Олимов мусиқа ёзган. Бош ролларни эса театрининг етакчи артистларидан Меҳри Бекжоновна, Турғун Бекназаров, Малика Қажумова, Равшан Солихов, Насриддин Рустамов ва бошқалар ижро этишган.

Толиб САЪДУЛЛАЕВ.

**«ПАРИ МОМО»
ТАШРИФИ**

Республика Киночилар уйида «Ўзбекино» давлат акциядорлик компанияси томонидан яратилган «Пари момо» бадиий филмининг премьераси бўлиб ўтди.

Режиссёрлар Мурод Ражабов ва Маҳмуд Тўйчиев яратган янги кинолента томошабини инсон ҳаётининг асл қадриятлари, одамлар ўз қилмишлари ва яқин кишиларининг тақдири учун масъул эканлиги тўғрисидаги жиддий суҳбатга чорлайди. Фильм муаллифлари Гулчехра Жамилова моҳирона ижро этган бош қахрамон — қишлоқда барчанинг хурматини қозонган доно табиб Пари момо роли орқали ҳаётнинг мазмуни тўғрисидаги абадий саволга жавоб топишга уринади.

Оператор Рифқат Ибрагимов ҳам ўз вазифасига ижодий ёндашган. Табиат манзаралари, халқ ҳаёти сахналаридан иборат рамзларга бой ёрқин кадрлар эзгулик ва ёвузликнинг мангу курашини, гўзаллик чўққиларига олиб борувчи машаққатли йўлни, жисмоний ва маънавий соғайиш қувончлари тўғрисида ҳикоя қилади. Дмитрий Янов-Яновскийнинг ёқимли мусиқаси кино асарининг таъсирчанлигини янада оширган.

Фильмда бош ролларни Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимова, актёрлар Боир Холмирозев, Фаррух Эрназаров ва бошқалар ўйнаган. Фильм сценарийсини Маҳмуд Тўйчиев ёзган.

В. ҲАБИБУЛЛАЕВА, ЎЗА мухбири.



Митти кўзларингда ҳайрат яширин,
Қалбингдек оқ, бегард тегрангдан олам.
Улғайгач англарсан дунёнинг сирин,
Соғлом ўс, бахтли бўл, эй жоним болам!

Bolalik bog'i

DO'STLIK

Do'sti borning
Baxti bor.
Unga tole
Doim yor.

Do'st orzuning
Qanoti.
Qo'qilganda
Najoti.

Do'stsiz boshni
Bosh dema.
O'zing yolg'iz
Osh yema.

Osh do'st bilan
Shirindir.
Jolg'iz boshga
Qiyindir.

Asom ZIYOMATOV,
Parkent.

Биласизми

СУВ САКЛАЙДИ

Саудия Арабистони, Уганда ва Африкадаги қатор бошқа давлатларда қум керагидан ортиқча. Лекин, шунга қарамай унинг бир турини... Австралиядан келтириб туришади. Бунинг сабаби бор, албатта. Бундай қум намликни узоқ вақт ўзида сақлаб туриш хусусиятига эга. Бу қумдаги об-ҳаётни зарурат туғилган вақтда ажратиб олиш, эҳтиёжга ишлатиш мумкин.

ЭНГ КАТТА ЁНҒОҚ

Жанубий ва Марказий Американинг Понама, Калумбия каби мамлакатларида курраи заминимизда энг катта ёнғоқ берувчи дарахт ўсади. Бундай меванинг айримлари бир килограммгача тош босади.

ЎҚ ХАМ ТЕШОЛМАЙДИ

Жанубий Америка ўрмонзорларида ёғочи ниҳоятда қаттиқ дарахт нави ўсади. Уни темир дарахт, деб бежиз айтишмайди. Бу дарахт шу номга тўла жавоб беради. Унинг қаттиқлигидан ҳатто, ўқ ҳам тешиб ўтаолмайди.

**ДОНОЛАР
АЙТИБДУРЛАР:**

- ❖ Дард ботмонлаб келади, мисқоллаб кетади.
- ❖ Дардга минг бир баҳона ҳабиб, Соғайишга ягона дўст — табиб.
- ❖ Бефарққа гард ёпишар, Мадорсизга дард ёпишар.
- ❖ Бир дарахтни бог дема, Касал боққанни соғ дема.
- ❖ Кўркув, гумон йиқитади, орзу, умид турғизади.
- ❖ Кам есанг, дарддан фориг бўласан, Кам десанг, юзи ёруғ бўласан.

Кечки таомга уннаётганимда бирдан кўнғироқ жириглади. «Ким экан?» — шундай дея, юрагим бир нарсани сезгандек югуриб келиб, телефон гўшагини кўтардим.

— Муқаддас, сенмисан?
— Ҳа, — дедим-у, ҳаёлимда овоз эгасини гавдалантира бошладим.
— Танимадинг-а? Бу мен Умидаман. Қосимова. Энди танидингми?

— Ҳа, — деёлдим зўрға. — Қалайсан, бормисан? — дердим бу қувончли кўнғироқдан, дийдордан сармаст эдим.

— Синфдошлар учрашмоқчи эдик. Ўзимизнинг эски «Б» синфи. Соат 11да, ўша «Нон» дўконини олдида. Албатта кел, кутамиз. Қолганини ўша ерда гаплашамиз.

— Раҳмат. Албатта бораман. Гўшакни кўяр эканман, аввало, Умидани, сўнгра бутун синфдошларимнинг сиймоларини кўз олдимдан бирма-бир ўтказдим. Шодлигим ичимга сизмасди. Ахир, орадан ўн йилдан ортиқ вақт ўтган, айрим синфдошларимни мактабни битиргандан сўнг умуман кўрмаган эдим. «Қизлар қандай бўлиб кетишган экан? Болаларимиз-чи? Ўзгаришганими-

кин?» Ана шундай ширин ҳаёллар оғушида учрашув кунини кута бошладим.

Ўша куни тонг бирам дилбар, ҳаво мусаффо туюлдики... Эсимда, мактабга кетаётганимда шабада сочимни қандай ўйнаса, бугун ҳам ўшандай кайфият ҳукмрон. Дўстлар дийдорига тўйишдек бахт қадамларимни тезлаштиради.

ДИЙДОР

Келишилган жойда учта қиз турибди. Мен уларга, улар менга бир сония қарадик ҳамки бақириб юбордим:

— Маматкулова, Исломова, Мўминова...

— Худди шундай ўртоқ Юсупова. Кучоқлашиб кўришдик. Шодлигимиз чексиз эди. Бир-биримизга гал бермай, ҳол-аҳвол сурай кетдик. Бирин-кетин қолган синфдошлар ҳам йиғила бошлади.

Биз ўша-ўша эдик. Фақат ёши-миз ўттизга яқинлашиб, улғайганимизни эътиборга олмаганда, нигоҳларимиз, овозимиз-у, шўхлигимиз ўша мактаб давридагидек эди.

Бўни ҳаёт дейдилар

Гап-гапга уланди. Баъзиларида тўртта, баъзиларида учта фарзанд бор экан. Йигитлар ўзлари ўқиган мактабга бугун фарзандлари боришганини фахр билан тилга олдилар. Қизлар-чи? Улар тарикдек турфа жойларга сочилиб кетган. Умида, Хилола, Сайёра, Феруза — шифокор. Шоира — ўқитувчи, Гулчехра — молиячи, Саодат — тарбиячи... Ҳар бири ўз тақдирларидан рози. Ўз навбатида бизга таълим берган барча устозларимизни эсладик.

Қаҳвахонада гаплашиб ўтириб, кеч туша бошлаганини ҳам пайқамай қолибмиз. Агар Сайёра: «Менинг ёш болам уйда қолган», — деб қолмаганда, билмадим, яна қанча ўтирардик.

Хотира майдонини, Жасорат боғини зиёрат қилганимизда, ҳаммамиз хаёл оғушида эдик. Негаки, биз болаликка қанча интилайлик вақт аталмиш беаёв ҳакам уни биздан шунча узоқлаштирарди. Биз эса интиламиз, интиламиз. Болалик соғинчи бизни XXI асрнинг нури манзилларига олиб боради, албатта.

Муқаддас ЮСУПОВА.

● ЖАҲОН чемпиони саралаш ўйинларига миллий терма жамоамиз икки йўналишда тайёргарликни бошлаб юборди. Янги мураббий Владимир Сальков бошчилигидаги биринчи жамоамиз Исроилда 17 январь куни маҳаллий терма жамоа вакиллари билан ўртоқлик учрашувини

ЯШИЛ МАЙДОНДА НИМА ГАП?

ўтказди. Икки кун ўтгач Москванинг «Спартак» жамоасига қарши майдонга тушади. Қизиги шундаки, Жаъфар Ирисметов миллий терма жамоамизга қарши тўп суради.

● АСОСАН олимпиячилардан ташкил топган ик-

кинчи жамоамиз Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида ўтказилаётган «Минг-йиллик кубоги»да иштирок этмоқда. Гуруҳ баҳсларининг биринчи учрашувидан Универсиада ўйинларига тайёргарлик босқичини ўташ учун ушбу мусобақа-

га ташриф буюрган 18-20 ёшли Япония талабаларига қарши тўп сурган вакилларимиз ўз дарвозаларидан 2 бор тўп олиб чиқишга мажбур бўлишди.

Кеча (12.01) Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳ баҳсларининг 2-учрашувини

Чили терма жамоаси билан ўтказди.

● МАЪЛУМКИ, Леонид Остроушко Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси Владимир Сальковга ёрдамчи этиб тайинланган, «Дўстлик» бош мураббийсиз қолганди.

Камолитдин АСҚАРОВ.

**Кулганга
НИМА
ЎТСИН!**

Кема уммондаги кичик оролча ёнидан сузиб ўтаётган экан. Оролчада соқоллари ўсиб кетган бир киши жон-жаҳди билан қўлларини ҳавода силтаб, нималардир деб бақирарди.

— Ким бу? — сўради йўловчи даргадан.
— Ақлим бовар қилмайди. Биз бу жойдан

хар йили ўтаётганимизда, у худди шундай талвасага тушади.

Рухий касалликлар ҳақими бир бемор аёлни хотиржам қилмоқчи бўлди:

- Демокчисизки, деразангиз ёнидан тинимсиз юк машиналари қатнайди ва ҳайдовчилар сизнинг хобхонангизга кўз ташлаб ўтадилар. Аммо бу билан сизни рухий касал, деб бўлмайди-ку?
- Ростданми, доктор?
- Албатта.
- Лекин мен олтинчи қаватда яшайман-да!

Дилшод ҚОСИМОВ тайёрлади.

Об-ҳаво

Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 13-17 январь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Шу даврнинг иккинчи яримига бориб ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Ҳарорат кечалари 0-5 даража, кундуз кунлари 9-14 даража атрофида илиқ бўлади.

Шу даврнинг охирига бориб ҳарорат кескин пасайиши мумкин. Кечалари 0-5 даража совуқ, кундуз кунлари 1 даража совуқ, 4 даража илиқ бўлиши кутилади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «Мутал С. И.» хусусий фирмасининг йўқолган

ДУМАЛОҚ МУҲРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «НУР САВДО БИЗНЕС» хусусий фирмаси

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 105-43-81 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Яккасарой туманидаги «PULSAR-OMAD» шўъба хўжалик жамияти

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида Қўшбеги кўчаси, 18-уйда қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • **ТОШКЕНТ НАҚИҚАТИ**

Муассис: **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

Бош муҳаррир **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

Манзилимиз: **700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.**

Телефонлар: **хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.**

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.